ТИЛНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА “НУТҚИЙ ҲУШЁРЛИК” ҲОДИСАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-МАДАНИЙ ТАБИАТИ

А.Л.Маматқулов

Ушбу мақола “нутқий ҳушёрлик” ҳодисасининг ижтимоий тушунча, тафаккур услуби ва ахборотни маълум даражада етказиш сифатидаги социолингвистик хусусиятларини ёритишга бағишланган. Шунингдек, сўзловчининг ўзи етказаётган ахборотга муносабати турли нуқтаи назарлардан тадқиқ этилади.

Калит сўзлар: *нутқий хушёрлик, ижтимоий тушунча, тафаккур услуби, мулоқот шароити, нутқ объекти.*

Данная статья посвящена изучению социолингвистических особенностей политкоррекности как социальное понятие, стиль мышления и в определённой степени передача информации. Исследуется также отношение говорящего к передаваемому сообщению с различных точек зрения.

Ключевые слова: *политкорректность, социальное понятие, стиль мышления, условия общения, объекты речи.*

This article is devoted to the research of social features of political correctness as a social phenomenon, a style of thinking and a way of giving information. The attitude of the speaker to the information is also investigated from different points of view.

Key words: *political correctness, social phenomenon, style of thinking, conditions of communication, objects of speech.*

Ижтимоий ҳодиса сифатида фаолият кўрсатаётган тил доимий ҳаракатдадир. Тил - нафақат тафаккур маҳсули, маълум бир фикрни ифода этувчи восита, балки бутун бир олам, коинотнинг таркиби ҳамда мазмун-моҳиятини инсон онгида акс эттиришга хизмат қилувчи мураккаб ҳодиса саналади.

ХХ асрда тилни тилдан ташқаридаги ҳодисалар билан бирликда тадқиқ қилишга эҳтиёж анча ортиб кетди. Бу эса тилшуносликда янги оқимлар,

шу жумладан, антропологик тилшунослик, Прага функционал тилшунослик мактаби, социолингвистика, этнолингвистика, лингвистик мамлакатшунослик каби янги соҳаларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Тил, жамият ва маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи тилшунослик фанида жуда кам ўрганилган. Масалага атрофлича ёндашиш замонавий тилшуносликнинг энг муҳим муаммоларидан бири саналади. Зеро, таниқли немис тилшуноси ва файласуфи Вильгельм фон Гумбольдт тилни "халқ маънавий куч-қудратининг ифодаси", "халқ тафаккури ва ҳиссиётини ифодаловчи муҳим воситадир" деб таърифлаганида тўла ҳақли эди [2.349].

С.Г.Тер-Минасова тўғри таъкидлаганидек: "Тил – маданият кўзгуси, унда халқнинг ўз-ўзини ижтимоий англаши, унинг менталитети (ўзига хослиги), миллийлиги, ҳаёт тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқий меъёрлари, қадриятлари тизими, дунёқараши, оламга муносабати акс этади" [4.14]. Шунингдек, тил азалдан тарбия, билимларни оммалаштириш, одамларнинг энг муҳим ҳаётий муаммоларини ҳал этиш воситаси бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади [3.82].

Кейинги пайтларда кўпроқ инглиз тилида сўзлашувчи мамлакатларда "Political Correctness" (француз тилида – "le politiquement correct", рус тилида – политкорректность, ўзбек тилида – "нутқ одоби", "сиёсий нутқий ҳушёрлик", "нутқий ҳушёрлик", "нутқий андишалилик", "нутқий хушмуомалалик") деб аталган тушунчани ифодаловчи маданий ва лисоний ҳодиса пайдо бўлди.

Юқорида келтирилган ўзбекча атамалар ичида мазкур лисоний тушунчани ифодалашга "нутқий ҳушёрлик" истилоҳи кўпроқ мос келишини эътиборга олиб, уни истилоҳ сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Нутқий ҳушёрлик тушунчаси муайян идеологик ҳолат, лисоний хатти-ҳаракат, маданий ҳулқ-атвор ва тил анъаналари, бағрикенглик ва бошқалар сифатида талқин қилинади.

"Нутқий ҳушёрлик" тилшуносликда янги тушунча бўлиб, нутқ фаолиятида ҳар қандай камситишларга йўл қўймасликни, номақбул ибораларни қўлламасликни англатади. Яъни унинг асл моҳияти нутқ жараёнида у ёки бу майда гуруҳ (этник, ирқий, жинсий, ижтимоий) вакилларининг иззат-нафси, нафсониятига, ҳамиятига тегиб кетмаслик, ҳаётдаги нохуш воқеа-ҳодисаларни яшириш ёки ниқоблаш, сўзловчининг мақоми ва гапнинг нима ҳақида бораётганлигини аниқ кўрсатишдан иборат. Шунга мос равишда тилда янги-янги тушунчалар пайдо бўла бошлайди, улар нутқ объектини тўғридан-тўғри, дангал, ошкора ифодаламай, уни юмшоқроқ, қочиримлар йўли билан тавсифлашга хизмат қилади.

"Нутқий ҳушёрлик" турли лисоний воситалар, кўчимлар, ёйиқ синтактик тузилмалар, илмий истилоҳлар, хорижий сўзлар, қисқартма атамалар воситасида воқе бўлади.

Маълумки, тилнинг ижтимоий яшаш ва ижтимоий тараққиёт шароитларини ўрганувчи соҳаси социолингвистика ҳисобланади. Социология ва лингвистиканинг бир-бирига боғлиқ эканлиги барчага аён. Ҳозирги кунда жамиятда юз бераётган ўзгаришлар тилда ўз ифодасини топмоқда. Шу боисдан ҳам тилдан фойдаланишнинг таркибий қисми бўлган "нутқий ҳушёрлик" ҳодисасини ижтимоий-лисоний нуқтаи назардан ўрганиш муҳим ахамият касб этади.

"Нутқий ҳушёрлик"ка эга бўлган ахборотнинг бир неча омилларини кўрсатиш мумкин. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Нутқ эгасининг маданий, касбий ва бошқа белгиларига кўра маълум ижтимоий гуруҳга мансублиги.
2. Нутқ эгаси бажараётган ижтимоий вазифа.
3. Нутқ эгасининг гап предметига муносабати.
4. Мулоқот шароити, вазияти.

Ҳар қандай фикрда юқорида айтилган омилларнинг ҳаммаси зуҳур этиши шарт эмас, аммо услубий ахборотнинг ушбу белгиларини "нутқий ҳушёр" фикр ва матнларда маълум даражада учратишимиз аниқ.

Ижтимоий гуруҳга мансублик. Ш.Балли: "... ўзаро нутқий алоқаларда одамлар турли ижтимоий гуруҳлар тилларидаги ифода шаклларини ўзлаштириб оладилар; ҳар биримизнинг нутқимиз умумий тилнинг ёрқин фонида нутқ эгасига мансуб бўлган муҳит тилини ёки ўзи мослашишга интилаётган муҳит тилини акс эттиради. Шу боис нутқ ижтимоий символиканинг муҳим омили бўлади", - деб ёзади [1.256].

Ҳақиқатан, гапириш йўсини, худди кийиниш қонун-қоидалари каби, гапирувчининг маълум бир ижтимоий муҳитга, одамларнинг маълум бир тоифасига мансублигини билдирувчи ижтимоий белги вазифасини бажариши мумкин.

"Нутқий ҳушёр" фикрлар, бизнингча, нутқ эгасининг муайян ижтимоий муҳити ҳақида, аниқроғи, маданиятли, саводхон, юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор, ижтимоий ёки сиёсий фаолиятда фаол экани тўғрисида ахборот беради. Бу ҳар қандай майда гуруҳларга нисбатан ҳам "ҳушёрлик" ва "бағрикенглик" билан муносабатда бўладиган кишилар тоифасидир. Улар ҳар бир

киши, ҳар бир халқнинг ўзига хослигини ҳурмат қиладилар.

Маълум бир ижтимоий гуруҳга мансубликни билдирувчи услуб белгилари субъектнинг бу гуруҳда доим мавжуд эканлигини кўрсатмайди, улар мулоқот жараёнидаги шахсга хос (“маданиятли киши”, “расмий шахс” каби) ижтимоий ва психологик ҳолатнинг бир кўрсаткичидир.

Ижтимоий роль. Субъектнинг ижтимоий роли бевосита мулоқотнинг маълум соҳалари бўйича нутқ ирод этишнинг махсус йўсинларида кўринади. Зеро, моҳиятига кўра, ҳар бир барқарор нутқий жанр (буйруқ, суд қарори, илмий мақола, роман, газетадаги бош мақола ва б.) – бу алоҳида ижтимоий ролдан ўзга нарса эмас, унда ўша роль нутқ фаолияти тарзида намоён бўлади. Услуб ижтимоий ролга ишора қилади, яъни суҳбатдошни кўрсатади, маълум бир шароит яратади, ўқувчи ёки тингловчининг матнга қандай муносабатда бўлиши кераклиги, ундан нимани кутиши мумкинлиги ёки зарурлигини эслатиб туради.

“Нутқий ҳушёр” фикрларда нутқ эгасининг ижтимоий вазифаси тўғрисида маълум бир ахборот берилади. Бу интервью бераётган расмий шахс ёки вазифаси долзарб ахборотни таъсирчан руҳда беришдан иборат журналист бўлиши мумкин. Нутқ эгасининг ижтимоий вазифаси, албатта, ўша нутқ объектига муносабатда кўринади. Бу шунчаки эркин муносабат эмас, балки ижтимоий шартланган муносабатдир. У маълум вазиятда ҳаммабоп хулқ меъёрлари негизида пайдо бўлади. Ролга киришаётган киши *суҳбатдош қаршисида ким бўлиб кўринаман, нимани қандай бажаришим лозим, ўзимни қандай тутишим, суҳбатдошга қандай муносабатда бўлишим керак?* дея ўзига саволлар беради ва шу тарз ўзини мулоқотга тайёрлайди.

Нутқ эгасининг гап предметига муносабати. “Нутқий ҳушёр” матнда нутқ эгасининг гап нима ҳақида бораётганига муносабати таъкидланади. Бундай муносабатга хос нарса ҳақиқий бағрикенглик, гап мавзусини юқори фазилатли ва нуфузли қилиб кўрсата олишдир. Масалан, эътиборсиз ва кам маош бериладиган касбларнинг номини билдирувчи “нутқий ҳушёр” синонимлар ушбу фаолиятнинг “нуфузи”ни кўтаришни назарда тутади, бунда ўша касб номига салобатли кўриниш берилади. Бунинг учун ижобий унсурли ва тилда ижобий маънодор сўзга урғу берилади, масалан:

“Une secrétaire” (секретарь) ўрнига Une assistante personnelle – шахсий ёрдамчи.

“Une serveuse” (официантка) ўрнига Une hôtesse de table – стол эгаси

“Un balayeur” (фаррош) ўрнига Un technicien de surface – ҳовлининг тозалигини назорат қилиб турадиган хизматчи.

“Un facteur” (хат ташувчи) ўрнига Un préposé à la distribution du courrier – хат тарқатувчи хизматчи.

Мулоқот шароити. Мулоқот шароити деганда, одатда, ижтимоий вазият ҳамда мулоқот вақти ва жойи тушунилади. Ижтимоий вазият – бу ичида мулоқот юз берадиган доира. Масалан, маърузачи ва тингловчининг ижтимоий роли маъруза амалга ошаётган ижтимоий вазият доирасидагина кўринади. “Нутқий ҳушёр” фикр, одатда, мулоқотнинг расмий вазиятида, яъни расмий, маданиятли ёки сиёсий арбобнинг хизмат вазифасини бажараётганидаги нутқида, газета ва журналдаги мақола, анжуманда қилинган маъруза ва ҳоказоларда билдирилади. Аммо ҳозирда биз айрим “нутқий хушёр” сўз ва ибораларнинг сўзлашув тилига кириб келаётганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Назаримизда, бу оммавий ахборот воситалари тилининг кундалик мулоқот нутқига таъсири тобора кучайиб бораётганлигидан дарак беради.

Алоқанинг турли каналларини ҳам шундай ролнинг кўрсаткичлари сифатида англаш лозим. Анжумандаги инсон ҳуқуқлари ҳақидаги маъруза – бу битта роль, махсус журналда босилган шу мавзудаги мақола – бу бошқа роль. Ролни белгиловчи кўрсаткичларнинг ўзгариши билан ролнинг ўзи ҳам ўзгаради; шу одам, шу шахс, лекин унинг ўйнаётган роли турли омилларга боғлиқ бўляпти.

Шундай қилиб, айтиш мумкинки, француз тилидаги “нутқий ҳушёр” матнлар нутқ эгаси, унинг ижтимоий роли, нутқ предметига муносабати, мулоқот вазияти тўғрисида ахборот берувчи услубий бўёқдор матнлардир.

Демак, айтиш мумкинки, “le politiquement correct” (нутқий ҳушёрлик) – бу шунчаки янги тил категорияси эмас, балки француз тилидаги янги ижтимоий тушунчадир. Бунда нутқ негизида нутқ вазияти шароитига мувофиқ келадиган тил воситаларини онгли равишда танлаш туради. Масалан, “Label France” журналидан (38-сон, 2002) мисол келтирамиз:

“Comment concilier la reconnaissance de l’identité culturelle des groupes d’origine étrangère! (“Чет эллик кишилар гуруҳи”нинг маданий ўзига хослигини тан олишга қандай эришиш мумкин?)”.

Бу мисол олинган мақолада Франциядаги иммигрантлар муаммоси ҳақида гап боради, аммо бу ерда айни ахборотни бериш учун муносиб бўлмаган тил воситаси (“des groupes d’origine étrangère” сўз бирикмаси) қўлланган, уни анча нейтрал, анъанавий *des immigrés* билан алмаштириш мумкин. Оқибатда қуйидаги жумла ҳосил бўлади:

Comment concilier la reconnaissance de l'identité culturelle *des immigrés!*

Бу ердаги "нутқий ҳушёр" *des immigrés* сўзи бегона юртда омонат, беқарор ижтимоий ва ҳуқуқий шароитда яшаётган кишиларни билдиради. Шунинг учун бундай одамлар гуруҳини анъанавий тарзда ифодаловчи сўз нотўғри, нобоп тушунча ҳосил қилиши мумкин. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун "нутқий ҳушёр" иборали жумлаларда кўплаб янги сўзлар ишлатилади.

Шундай қилиб, "le politiquement correct" (нутқий ҳушёрлик) тушунчаси фақат шундай ҳолатда пайдо бўладики, унда бирор мақсадга эришиш учун йўналтирилган қандайдир фаолият турли йўллар билан амалга ошиши мумкин ва фаолият юритувчи шахс улардан бирини танлай олади.

Демак, "le politiquement correct" феноменини муайян ижтимоий тушунча, аниқроғи, тафаккур услуби, воқеликка муносабат услуби, ахборотни маълум даражада узатиш услуби деб аташ мумкин.

Адабиётлар:

1. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы языкознания.- М.: Наука, 1961.
2. Гумбольдт В. Язык и философия культуры.- М.: Наука, 1985.
3. Маматов А.Э История и теория языковой нормы. – Шымкент, 2006.
4. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000.

Андижон давлат университети,
2014 йил 26 майда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. А.Нурмонов)